

## МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ МАФЪУЛЛАР ҲАҚИДА

Nasirova Malika Anvarovna

доцент, филология фанлари номзоди  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Ўзбекистон, Тошкент

[m.nasirova2005@mail.ru](mailto:m.nasirova2005@mail.ru)

Араб тилининг синтаксиси масалалари бўлган гап ва унинг турлари, гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлаклари ўрта аср олимлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, замонавий араб олимларининг ишларида улардан кўплаб иқтибослар келтирилади. Мана шундай умрбоқий асарлардан бири Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-муфассал фи санъати-л-иъраб” ва унинг мадрасалар учун ихчамлаштирилган шакли “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” асарлари асари ҳисобланади.

Маҳмуд Замахшарий гапнинг иккинчи даражали бўлаклари ҳақида ўз асарнинг المنصوبات - "Тушум келишигидаги исмлар" ва المجورات - "Қаратқич келишигидаги исмлар" мавзуларида сўз юритади. Жумладан, المنصوبات على ضربين : أصل وملحق به . فالأصل هو المفعول . وهو على خمسة أضرب : المفعول المطلق ، وهو المصدر غالبا نحو : ضربت ضربا وضربة وضربتني وقعدت جلوسا . "Тушум келишигидаги исмлар икки хил бўлади: 1. Асл [тушум келишигидаги исмлар]. 2. Аслига ўхшаш [тушум келишигидаги исмлар]. Асл тушум келишигидаги исмлар مفعول - мафъуллар, яъни тўлдирувчилардир. Улар 5 хил бўлади: 1. Мутлоқ мафъул - المفعول المطلق (ўз-ўзини тўлдирувчи). - У кўпинча масдар билан ифодаланган. Масалан: "Зарб билан урдим", "Бир зарб билан урдим", "Икки марта зарб билан урдим", "Жойлашиб ўтирдим". [20,40]

Мутлоқ мафъул - аксарият ҳолларда гапнинг феъл-кесимидан ясалган масдар бўлиб, одатда ноаниқ ҳолатда тушум келишигида бўлади. Мутлоқ мафъул одатда а) иш-ҳаракатни таъкидлаш - كلم (к) ; وقتت ووقتين (в) ; وقفت وقفتين (в) бирор бир аниқловчи билан келиб иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилганлигини, яъни сифатини билдиради - صبرا على (с) ; سرت سير العقلاء (с) ; ضربت ضربا شديدا (с) талаффузда феълни тушириб қолдиришни билдиради - الشدائد (с) . Шунингдек, мутлоқ мафъул вазифасида бошқа феълнинг (синоним) масдари ҳам ишлатилиши мумкин, масалан: وقف قياما [6,12-16].

"Воситасиз тўлдирувчи" мавзуси асарда жуда қисқа таърифланган: - المفعول به نحو : ضربت زيدا - "Воситасиз тўлдирувчи яширинган феъл сабабли тушум келишигида туради, масалан: للحاج مكة وللرامي القرطاص . "Ҳожига Маккани, мерганга нишонни [тилайман]" [20,41].

Бевосита иш-ҳаракати йўналтирилган объект тўлдирувчи дейилади. У одатда тушум келишиги билан ифодаланади, масалан: أكل عمرو تمرا - "Амр хурмони еди". Иш-ҳаракат объектини англаган, тушум келишигида турган исм воситасиз тўлдирувчи ҳисобланади ва у ўтимли феъл билан бошқарилади, масалан: لقي عمرو رجلا في طريقه - "Амр [ўз] йўлида [қандайдир] кишини учратди". Баъзида тилак билдириладиганда асосий, воситасиз тўлдирувчини талаб қилувчи феъл тушиб қолса ҳам исм тушум келишигида тилакни билдириб келаверади. Шу ўринда ўша лозим феъл бор деб фараз қилинади, масалан: لك سعادة - "Сенга бахт [тилайман]". Аслида كؤرينيшиدا (с) кўринишида бўлиши керак эди.

Асарда "ўрин ва пайт ҳоллари" шундай таърифланган: وهو الظرفان ظرف الزمان و ظرف المكان و كل واحد منهما مبهم و معين. فالزمان ينصب كله نحو : أتيت اليوم وبكرة وذات ليلة . المكان لا ينصب منه إلا المبهم نحو : قمت في المسجد . "Мафъул фиҳи<sup>1</sup> - у икки ҳолдир. Пайт ҳоли ва ўрин ҳоли. Уларнинг ҳар бири мавҳум ва аниқ кўринган ҳол бўлиши мумкин. Пайт ҳоли ҳар доим тушум

<sup>1</sup> Тушум келишигида бўлмаса ҳам المفعول فيه деб аталаверади, яъни тушум келишигидаги исмларга فيه лар ҳам киради, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам тушум келишигида бўлавермайди.

келишигида туради, масалан: أتيت اليوم و بكرة وذات ليلة - "Бугун келдим, кеча келдим, бир куни тунда келдим". Ўрин ҳолларидан фақат мавҳумлари тушум келишигида бўлади. Аниқ ўрин ҳолларида эса албатта في предлоги бўлади, масалан: صليت في المسجد - "Масжидда намоз ўқидим". [19,55]

Иш-ҳаракатнинг содир бўлиш вақти ва ўрнини ифодалаган тушум келишигидаги исм араб тилшунослигида المفعول فيه - "ўрин ва пайт ҳоллари" деб аталади. Аммо бу ҳоллар ҳар доим ҳам тушум келишигида ишлатилавермайди. Ўрин ҳолларидан фақат мавҳумлари, яъни олти томондан бирини англаган сўзлар тушум келишигида ишлатилади. Улар: أمام - олд, خلف - орт, فوق - уст, تحت - ост, يسار - ўнг, يمين - сўлни англаувчи равиш сўзлардир. Аниқ ўрин ҳолларини ифодалашда эса албатта предлоглар иштирок этади, масалан: اشتريت في السوق - "Бозорда сотиб олдим". Пайт ҳоллари асосан тушум келишигида ишлатилади, масалан: أذهب اليوم و غدا و ذات ليلة - "Бугун, эртага ва бир куни кечқурун бораман".

А.Г.Белова: "Пайт ҳоллари лексик жиҳатдан (пайт) кеча-кундуз, ҳафта, ой номлари, йил ва уларнинг сонини ифодаловчи исмлар ва равишлар билан ифодаланади. Бу ҳоллар гарчи гапнинг охирида туришга мойилроқ бўлсада, синтактик бирликнинг бошқа бўлақларига нисбатан эркин мавқеда бўлади"

[2,57], - дейди.

Маҳмуд Замахшарий المفعول معه - "биргалик тўлдирувчиси" мавзусини шундай тушунтиради: المفعول معه - "المفعول معه ، نحو : ما صنعت وأباك وما شأنك وزيدا . ولا بد له من فعل أو معناه . مفعول معه ، نحو : ما صنعت وأباك - "Мен отанг билан ҳеч нарса қилмадим". Бундай тўлдирувчи бўлиши учун [гапда] феъл ёки феъл маъноси бўлиши керак". [19,57]

Аббос Ҳасан Замахшарий фикрларини бироз кенгайтириб тушунтиради, яъни المفعول معه - тушум келишигидаги исмдир. У иш-ҳаракатни бирор-бир объект ёки субъект билан бир вақтда содир этган шахс ёки предметни кўрсатади. Бундай сўз مع предлоги маъносида ишлатиладиган "وا" - "Ва" юкламасидан кейин келади. Бу "вав" - "واو المعية" - яъни биргалик "вав"и деб аталади. Масалан: تسير "Ота оиласи билан ўтирди" [17,304].

Ал-Унмузаж фи-н-наҳв" асарида "сабаб, мақсад ҳоли" шундай баён қилинган: المفعول له نحو : "сабаб, мақсад ҳоли. ضربته تأديبا له وقعدت عن الحرب جبنا . وكذلك كل ما كان علة للفعل نحو : جنتك للسمن . "Кўрқоклигим сабабли уруш [вақти]да [уйда] ўтирдим". Бирор иш-ҳаракатнинг содир бўлиши учун мақсад ёки сабабни билдирган ҳар қандай сўз ҳам المفعول له деб аталади. Масалан: جنتك للسمن - "Сенинг олдинга ёғ [олиш] учун келдим". [20,49]

Антуан Дахдах ўз асарида мазкур мавзуни қуйидагича таърифлаб Замахшарий фикрларини тасдиқлайди. Жумладан, иш-ҳаракатни содир этиш мақсади ёки сабабини англатиб тушум келишигида турган исм араб тилида المفعول له - "сабаб, мақсад ҳоллари" деб аталади, масалан: وقف الجند "Аскар Амирга ҳурмат юзасидан ўрнидан турди" [16,170]. Бундай ҳоллар артикл олиши, предлог билан келиши ва изофа ҳолатида бўлиши мумкин. Масалан: أدبه تأديبا له = للتأديب له - "Яхшиликни кўзлаб шундай қилдим".

А.Г.Белова араб тилидаги "ҳоллар" мавзусини атрофлича ўрганган ва шундай хулоса ясаган: "Ҳолларнинг бу барча категориялари уларнинг маъноларига кўра ажратилади. Маъно ва функциясига кўра ифодаланган ҳоллар - бу пайт ва шарт ҳолларидир. Қолган ҳолларнинг каттагина қисми тадқиқотчининг субъектив баҳоси (муносабати) асосида аниқланади. Чунки уларни воситали тўлдирувчи билан аниқ ажратиб турадиган бирон бир белги мавжуд эмас" [2,57].

Маҳмуд Замахшарий "гапнинг иккинчи даражали бўлақлари" мавзусини давом эттириб шундай дейди: والملحق به سبعة أضرب : الحال وهي بيان هيئة الفاعل أو المفعول به نحو : ضربت زيدا قائما . وحققها التتكير . وحق : جاءني راكبا رجل . "Аслига ўхшаш [тушум келишигидаги исмлар] етти хил бўлади: 1. الحال - Ҳолат ҳоли - субъект ёки объектнинг иш-ҳаракат бажараётган пайтдаги ҳолатини баён қилувчи исм (гап бўлаги), масалан: ضربت زيدا قائما - "Зайдни турган ҳолда урдим, турган Зайдни урдим." Ҳолат ҳоли ноаниқ ҳолатда бўлади. Ҳолат эгаси (яъни الحال) эса аниқ ҳолатда бўлади. Агар ҳолат ҳоли аниқланаётган исмдан олдин келса, исм (هو الحال) ҳам ноаниқ

ҳолатда бўлиши мумкин, масалан: *جاءني راكبا رجل* - "Менинг олдимга от минган киши келди" [20,50-51].

Ушбу мавзуда Неъмат Фуад Замахшарий билан ҳамфикр эканлигини билдирган. Жумладан, "иш-ҳаракат содир бўлаётган пайтдаги объект ёки субъектнинг ҳолатини билдирган сўз "ҳолат ҳоли" дейилади. Улар одатда ноаниқ ҳолатда, тушум келишигида ишлатилади"[18,75],- дейди. Шайх Мустафо Ғалайиний бу фикрни давом эттириб, "улар аниқлаётган сўз, яъни ҳолат эгаси аниқ ҳолатда бўлиб, ҳолат ҳоли у билан жинсда ва сонда мослашади, масалан: *جاء عمرو راكبا* - "Амр от минган ҳолда келди"; *جاءت هند راكبة* - "Ўинд от минган ҳолда келди"; *قدم العمال مشاة* - "Ишчилар яёв келдилар". Ўолат ҳоли ҳолат эгасидан олдин ҳам туриши мумкин, масалан: *انت مجتهدة أخي* - "Сен тиришқоқ акамсан"; *الماء صرفا شرابي* - "Сув ичишим учун сарфланди" [21,314], - дейди.

"Ал-Муфассал фи санъати-л- иъраб"асарида чеклаш (ёки чеклов) мавзуси шундай баён қилинган: *وهو رفع الإبهام عن الجملة في قولك : طاب زيد نفسا أو عن المفرد في قولك : عندي راقود خلا ومنوان سمننا*. *التميز . وهو رفع الإبهام عن الجملة في قولك : طاب زيد نفسا أو عن المفرد في قولك : عندي راقود خلا ومنوان سمننا*. "Чеклаш - бу бутун бир гапдаги мавҳумликни йўқотади [яъни гапнинг маъносини конкретлаштириш, чеклаш учун хизмат қилади] ва тушум келишигида бўлади, масалан: *عندي راقود* - "Зайд руҳан яхши". Ёки бир сўзнинг маъносини аниқлайди, чеклайди, масалан: *عندي راقود* - "Менда бир шиша сирка, икки ману ёғ, йигирма дирхам бор, асал билан тўлди". [19,63].

"Чеклов - араб тилига хос бўлган грамматик категория бўлиб, бошқа тилларда учрамайди. Гапдаги кесимнинг маъносини аниқлаб, конкретлаштириб келаётган ноаниқ ҳолатда, тушум келишигида турган отга "чеклов" дейилади. Бунда гапнинг кесими от-кесим ҳам, феъл-кесим ҳам бўлиши мумкин. Чеклов - гапнинг эгаси билан ҳам, кесими билан ҳам на жинсда ва на сонда мослашади, масалан: *هو أصغر سنا* - "Олма хушбўй ҳидлидир". *أحد عشر رجلا، ثلاثون ناقة* - "11 та киши, 30 та туя". *اشترت* - "Мен бир ратл ёғ, икки мудд буғдой, икки метр мато олдим" [3,341], - дейди

А.Г.Белова *التميز* - мавзусига синтаксис нуқтаи назаридан қараб шундай дейди: "Ҳолнинг яна бир тури мавжуд ва уни алоҳида таъкидлаш керак. Бу чекловчи-аниқловчи "таъйиз" бўлиб тушум келишигидаги исм билан ифодаланади, масалан: *إن يقول أمثلهم طريقة* . Бу тушум келишигидаги исм билан ифодаланган отлашган аниқловчининг ягона кўринишидир"[2,69].

Аслига ўхшаш тушум келишигидаги исмлар жумласига *كان* бобидаги кесим ҳам киритилган. Жумладан, *كان زيد منطلقا* - "Зайд кетувчи эди" [20,57].

Араб тилида *كان* феъли икки хил вазифани бажаради: 1. *فعل تام* - Ҳақиқий феъл. 2. *فعل ناقص* - Ёрдამчи феъл. Масалан: *كان عمرو مريضا* - "Амр касал эди. *كان ذلك في أيام الصيف* - "Бу ёз кунларининг бирида бўлган эди". *كان* феъли исмий жумлаларда боқловчи феъл вазифасида кўлланиб ўтган ва келаси замон формаларида ишлатилади. Бунда [кўшма] кесимнинг от қисми тушум келишигида туради, масалан: *كان عمرو مريضا* - "Амр касал эди", *يكون عمرو سالما* - "Амр соғлом бўлади". Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Маҳмуд Замахшарий ўз асарларида баён қилган араб тили синтаксисининг долзарб масалалари замонавий арабшунос-тилшуносларнинг илмий нуқтаи назарлари билан ҳамоҳанг эканлигини кўрсатади. Замахшарий даҳосининг буюклиги ҳам аслида айнан мана шунда.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Arifdjanov, Z. (2020). The semantic groups of prefixal verbs in the persian language and their functional equivalents (using the verb برداشتن [bar-dāštan] as an example). The Light of Islam, 2020(2), 68-74.
2. Белова А.Г. Синтаксис письменных текстов арабского языка. -М.: Наука, 1985.
3. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. -М.: Вост. лит, 1998
4. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. -Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат нашриёти, 1997. -I жилд.
5. Насирова Малика . Араб тилида гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлаклари. Интернаука. - 2020. № 42 (171).
6. Носирова М. Араб тилида مفعول مطلق (мафъул мутлак). Шарқшунослик - Тошкент.: ТДШИ. 2018.-№ 2. –Б.12-16.
7. Nasirova, Malika (2019). “Scientific heritage of Makhmud Zamakhshari and actual questions of the studies of Mavarennakhr’s linguistic school” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss.1,Article15.Availableat: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/> vol 2019/ iss 1 / 15
8. Nasirova, M. A. (2019). THE CONTRIBUTION OF THE OUTSTANDING MAVARANNAHRIAN SCHOLAR MAHMUD AZ-ZAMAKHSHARI INTO THE WORLD LINGUISTICS. International Scientific Journal. Theoretical and Applied Science. Clarivate Analytics. Philadelphia, USA 2019.(10), 755-759.
9. NASIROVA, Malika (2020). “SEMANTIC CLASSIFICATION OF AUXILIARY VERBS IN ARABIC LANGUAGE”. The Light of Islam:Vol.2020:Iss.3,Article15.Availableat: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/> vol 2020/ iss 3 / 15
10. Nig'monov Mr, A. (2020). RHYTHMIC-SYNTACTIC PARALLELISMS IN OLD TURKIC POETRY (BY EXAMPLE OF EXTRACT FROM “DEVON LUGATI-T-TURK”). The Light of Islam, 2020(1), 185-191.
11. Nizamova, F. (2020). Study of Amir Husrow Dehlavi s rubais. The Light of Islam, 2020(3), –Pp. 150-159.
12. Esonovna, L. D., Anvarovna, N. M., Sayidmahamadovna, S. N., Alimullaevna, N. F., & Kakhramanovna, S. N. (2020). PRAGMATIC FEATURES OF OFFICIAL TEXTS AND DOCUMENTS OF THE UZBEK LANGUAGE. ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies, 9(7), 27-34.
13. Rustamiy, S. (2016). “Esasu-l-belaga” ve “Divan-u lugat-it-türk” eserlerinin dil bilimi ve belagat bilimiyle ilgili yönleri. Electronic Turkish Studies, 11(20)
14. Sayidrahimova, N.S. (2020). General Theoretical Aspects In Synchronical Typological Learning Of English Adverbs (Adverb Goals) // Published in International Journal of Research Available online: <http://edupediapublications.org/journals/index.php/IJR/> P. -Indiya., 2020. P. 384-398.
15. SHOALIYEVA, Nargiza (2018) "HUMAN AND MYSTICAL(IRFAN) PERFECTION IN SOHRAB SEPEHRI'S POETRY," The Light of Islam: Vol. 2018: Iss.4,Article 5.Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/> vol 2018/ iss 4/5
16. انطوان الدحداح. معجم قواعد العربية العالمية. - لبنان، 1992م.
17. عباس حسن. النحو الوافي. - مصر. الجزء الثالث، 1990م.
18. فؤاد نعمة. ملخص قواعد اللغة العربية. - مصر. 1973م.
19. محمود الزمخشري. المفصل في صنعة الإعراب. - القاهرة. م 2012.
20. محمود الزمخشري الأنموذج في النحو. - القاهرة 1990م.
21. مصطفى غلابيني. جامع الدروس العربية. - بيروت، 1995م.